

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

ZX8741422686

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: URGANCH SHAXAR OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI tomonidan 22.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Urganch shahar
yuridik markazi
markaz rahbari:**



S.SH.OTABOYEV

23.12.2022

"Утверждаю"
Зам хокима города Ургенча
Н.Бабажанов
2022 г.

ТИТУЛНЫЙ СПИСОК СТРОЙКИ

Раздел I. Основные данные по стройке

1. Наименование и местонахождение стройки	Урганч шахар Авесто мажмуасини жорий таъмирлаш ишлари	
2. Отрасали		
3. Инвестор		
4. Заказчик	Урганч шахар "Ободонлаштириш бошкармаси"	
5. Разработчики :		
5.1 ТЭО	"MONOLIT LOYIHA QURILISH" МЧЖ	
5.2 ПСД и/ или ТД		
5.3. Экспертизы	Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги "шахарсозлик хужжатлари экспертизаси" ДУК Хоразм филиали	
6. Генеральный подрядчик	XORAZM YUKSAK DIYOR MCHJ	
7. Источник финансирования	Местный бюджет	
8. Срок начала и окончания строительства	2022 г	
9. Основанные показатели стройки :	Всего	2022 г
Мощность (в соответ. Единицах измерения)	объект	объект
Основные фонды	784 460,000	784 460,000
Капитальные вложения	784 460,000	784 460,000
Строительно - монтажные работы	746 460,000	746 460,000
Оборудование и инвентарь		
Прочие работы и услуги	38 000,000	38 000,000
Содержание службы заказчика		
Прогноз на 2022 год в соответствии с согласованным с Э и МФ адресным списком	В договорных ценах (тыс.сум)	
Мощность (в соответ. Единицах измерения)		объект
Основные фонды	784 460,000	784 460,000
Капитальные вложения	784 460,000	784 460,000
Строительно - монтажные работы	746 460,000	746 460,000
Оборудование и инвентарь		0,000
Прочие работы и услуги	38 000,000	38 000,000
Содержание службы заказчика		0,0

Раздел II. Поквартальная разбивка прогноза на 2022 год (в текущих ценах, тыс.сум)

	Всего на год	В том числе по кварталам:			
		I	II	III	IV
Ввод мощности	объект				объект
Основные фонды	784 460,000				784 460,000
Капитальные вложения	784 460,000				784 460,000
Строительно - монтажные работы	746 460,000				746 460,000
Оборудование и инвентарь	0,000				0,000
Прочие работы и услуги	38 000,000				38 000,000
Содержание службы заказчика	0,000				0,000

Заказчик :

А.Эрниязов

Подрядчик :

Х.Курбанов

"КЕЛИШИЛДИ"

Урганч шаҳар молба бўлими мудири

Ж.Сапаев

" " 2022 й.

"КЕЛИШИЛДИ"

Урганч шаҳар ҳокими

О.Холбаев

" " 2022 й.

Урганч шаҳри бўйича 2022 йилда Авесто мажмуасини Аҳоли дам олиш масканларини таъмирлаш ва моддий-техник базисини ривожлантириш билан боғлиқ жорий таъмирлаш ишлари
 Нативажавий

МАНЗИЛИЙ ДАСТУРИ

Т/Р	Объектларнинг номи ва жойлашган ўрни	Қурилиш бошланиши ва тугаллаш йили	Лойihaaviй қуявати, тегишли ўлчов бирликларда (с/м)	Қурилишнинг умумий қиймати	Қурилишнинг 1 январь ҳолатига қиймати	2022 йил санитал қўйилмалар ҳажми шу жумладан				Ишга тушириладиган қуваватлар	2023 йил 1 январь ҳолатига ўтувчи объектлар бўйича қолдиқ қиймати	Лойihaaviнинг экспертизадан ўтказилган вақти ва тартиб рақами	Танлов саволарини ўтказилган вақти ва танлов натижалари тасдиқланган баён тартиб рақами	(минг.сўм)		
						Жами капитал қўйилмалар	Жами (СМР)	Бюджетнинг харajatлар							Ишга тушириладиган қуваватлар	
								Жами смета ишлари учун	Лойihaavi харajatлари							Башиа харajatлари
1	Урганч шаҳар Авесто мажмуасини жорий таъмирлаш ишлари	2022 йил	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17
	ЖАМИ:		0.000	0.0	0.0	784 460,0	746 460,0	38 000,0	38 000,0	0,0	38 000,0	0,000	0,000	23.11.2022 йил №- 77046	16.12.2022 йил №- 68097	XORAZM YUKSAK DUYOR MCHU

Урганч шаҳар ҳокими
 ўринбосари
 Н.Бабаянов

" " 2022 йил

Урганч шаҳар "Ободонлаштириш" бошқармаси ўинбошлиғи
 А.Эрниязов

" " 2022 йил

Урганч шаҳар Авесто мажмуасини жорий таъмирлаш ишлари

объекти ишлари буйича танлов савдоларида ютиб олган нархи 2022 йил ойлар давомида ишларни бажариш

ЖАДВАЛН

Т/р	Ишлар тури ва номи	Жами молиялаштирилга н маблағ	2022 йил бўйича қурилиш қиймати														
			1 - чорак			2 - чорак			3 - чорак			4 - чорак					
			январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябрь	ноябрь	декабрь			
1	Урганч шаҳар Авесто мажмуасини жорий таъмирлаш ишлари	746 460 000															746 460 000
	ЖАМИ	746 460 000															746 460 000



Буюртмачи :



Пудратчи :

PUDRAT SHARTNOMASI

сонли

23«12»2022 yil.

333-12-180-OB/2022-son

Урганч шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган номидан Устав асосида иш кўрувчи бошлиқ А.Эрниязов бир томондан ва Хоразм Юксак Диёр МЧЖ кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган номидан Устав асосида ҳаракат қилувчи корхона раҳбари Х.Курбанов иккинчи томондан, Урганч шаҳар Авесто мажмуасини жорий таъмирлаш ишлари бўйича қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қўлланилади;

-ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

-қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

-вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

-беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

-шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга таксимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Урганч шаҳар Авесто мажмуасини жорий таъмирлаш объектида кузда тутилган лойиха бўйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, танлов савдоси натижасида аниқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда кўшилган қиймат солиғи билан бирга 746 460 000 (Етти юз қирқ олти миллион тўрт юз олتمини минг) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар қиймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- қурилиш майдони зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни таъминлайди;
- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;
- қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;
- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
- қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;
- қурилишда таваккалчилик суғуртаси учун белгиланган суммага суғурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик суғуртаси тўғрисида шартнома тузади ва суғурта шартномаси билан суғурта полисини буюртмачига тақдим қилади.
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган ўзининг 20% га тенг бўлган ва унга хизмат кўрсатувчи банк томонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тулиқ ҳажмда тақдим қилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулиқ мулккий жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулиқ мулкый жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.
14. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради
15. Объектни «25» «Январ» 2023 йил фойдаланишга топширилиши белгиланади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» қилинади.
17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% миқдорида аванс ўтказади, бу **223 938 000 (Икки юз йигирма уч миллион тўққиз юз ўттиз саккиз минг)** сўмни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун маблағлар буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан беш банк кунида молиялаштирилади ва колган 70 % миқдоридаги тўлов ишларни бажариш жадвали ҳамда Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида тузиладиган тўлов графиги асосида амалга оширилади. (1,2-илвалар)

19. Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб колган ҳолда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.

20. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тўлаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва Ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун ҳисобот ойнанинг охириги кунигача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ-фактурани» ўзи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варақ-фактура» асос булади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини узида саклайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йуқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечииқиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

30. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

31. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

32. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. КАФОЛАТЛАР.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида Объектни ички тизими кафолат муддати 60 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида Объектни том қисми кафолат муддати 60 ой этиб белгиланади.

Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат

муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан усқуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан усқуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 20% миқдорида жарима солиш ҳуқуқига эга.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

34. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

35. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

36. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

37. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

38. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

39. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

40. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди.

41. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кузда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди, пеня миқдори бажарилмаган иш маблағининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим;

- буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини 5 (беш) банк иш кунида сабабсиз пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 0,4% миқдорида пеня тўлайди, пеня миқдори ушлаб турилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим;

- шартномага муофик ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар ҳажмини асосиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 0,5% миқдорида пеня тўлайди, пеня миқдори қабул қилинмаган ва бажарилган иш сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим;

- шартнома шартларига муофик тайёр ҳолда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асосиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

42. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қуйидаги ҳолларда мулкӣ жавобгар бўлади ва:

-Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам ҳажмда ишларни бажарса, мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан ҳар кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тўлайди, пеня миқдори бажарилмаган иш сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим;

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот ойининг охириг қунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 20% миқдорида жарима тўлайди;

- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун қундан ортик бўлмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20% миқдорида жарима тўлайди, жарима тўлаш аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни бажармасликдан озод қилмайди.

43. Агарда томонлардан бири ўз реквизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки мақомини нотўғри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айбдор тамон иккинчи томонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорида пеня тўлайди, пеня миқдори шартнома суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

44. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

45. Томонларнинг мулкӣ жавобгарликка тортилиб тўлайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 30% ошмаслиги керак.

46. Томонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкӣ талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича акцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

47. Томонлар мазкур шартнома талабларини бузган тақдирда "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тўғрисида"га Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгарликка тортилади

48. Томонлар мазкур шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишини тартибга

солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиш мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларни қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупсия ҳолатларига мурасасиз курашиш чораларини кўради.

49. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

50. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкӣ талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича акцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

51. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан келишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат қилишлари мумкин.

XV. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ

52. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди. Истеъмомчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

53. Тамонлар мазкур шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупсияга қарши курашишини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиш мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларни қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупсия ҳолатларига мурасасиз курашиш чораларини кўради.

XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

54. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

55. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

56. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

57. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

58. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

59. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига Қ.Қ.С. тўғрисида ўзгартиришлар киритилса қайта куриб чиқилади.

60. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

61. Мазкур шартнома тамонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва барча қузда тутилган шартнома шартлари тўлалигича бажарилгунга қадар амал қилади.

62. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

63. Мазкур шартнома «31» «Декабр» 2022 йилгача амал қилади.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

БУЮРТМАЧИ:

ПУДРАТЧИ:


“Урганч шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси”	Хоразм Юксак Диёр МЧЖ
Манзили: Урганч шаҳар Хонка кучаси 101 уй	Манзили: Урганч туман коровул кишлоғи
Тел/факс: +99862-225-30-33	Тел/факс: 97-459-56-44
ш/хр: 401722860334017065100110013	х/р: 20208000600208849001
ИНН: 206943296 ИФУТ: 90290	ИНН: 302582841
Молия Базираниги Ғазначилиғи	ИФУТ: 41201
Ғалим ш/р: 23402000300100001010	Банк: Миллий банк
Банк: Марказий банк Тошкент ш ХККМ	МФҚ: 00547
МФО: 0001 ДНТ: 201122919	

М.У

А.Эрниязов

М.Ў.

Х.Курбанов

	Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	ATOBEK ERNIYAZOV RUSTAMOVICH
	Imzolangan sana	23.12.2022 12:12
	Hujjat kodi	RB2543186471
	Hulosa kodi	ZX8741422686

